НЕФТЬ-ГАЗ ЛОЙИҲАЛАРИДА СОЛИҚ ВА БОЖХОНА МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мансуров Обид Зайнидинович

Аннотация: *Ушбу тезисда нефть-газ лойиҳаларида давлат ва инвестор манфаатларини мувофиқлаштиришнинг солиқ ва божхона механизмлари таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулот тақсимоти тўғрисида"ги Қонуни (2001), Солиқ кодексининг турли таҳрирлари ҳамда Божхона кодекси асосида инвесторлар учун назарда тутилган имтиёзлар, солиқ ставкалари ва мажбурий тўловлар таҳлил қилинган. Шунингдек, Қонуннинг 24-моддасида белгиланган стабиллик клаузаси инвесторлар учун узоқ муддатли режалаштириш имконини бериши асосланган.*

Калит сўзлар: *нефть-газ лойиҳалари, фискал-божхона механизмлари, концессия, фойда солиғи, ноль даражали ҚҚС, стабиллик клаузаси.*

Кириш: Нефть-газ саноати ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга. Бугунги кунда дунёда 100 дан ортиқ мамлакат маҳсулот тақсимоти механизмидан фойдаланмоқда. Ўзбекистон ҳам табиий ресурсларга бой давлат сифатида ушбу механизм орқали чет эл инвестицияларини жалб этишда муҳим тажрибага эга.

Асосий қисм: МТБнинг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ушбу битим концессиядан тубдан фарқланади. Концессияда инвесторга ер ости бойликларига эгалик ҳуқуқи берилса, МТБда инвестор фақат улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу ҳуқуқий хусусият МТБда солиқ солиш ва ҳисобот тизимининг алоҳида шаклланишининг асосий омилидир.

МТБнинг иқтисодий аҳамияти. МТБлар давлат учун қатор иқтисодий афзалликларни тақдим этади: биринчидан, юқори миқдорда хорижий сармояларни жалб қилиш ва уларнинг хавфини давлат билан умумий асосда минималлаштириш; иккинчидан, давлат бюджети учун узоқ муддатли ва барқарор даромад манбаини яратиш; учинчидан, илғор технологияларнинг кириб келишига имкон бериш; тўртинчидан, маҳаллий кадрлар, лойиҳалар ва инфратузилманинг ривожига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиш [5; 6].

Солиқ кодексининг 256-моддасига мувофиқ, чет эллик инвестор МТБнинг амал қилиш муддати мобайнида фойда солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, ягона ижтимоий тўлов, акциз солиғини тўлайди. Фойда солиғини ҳисоблашнинг алоҳида тартиби мавжуд: солиқ солиш объекти сифатида битим шартларига биноан инвесторга тегишли, чегирмалар қилинмаган ҳолда фойдага қолган маҳсулотнинг қиймати ҳисобланади.

2020 йилдан амалдаги Солиқ кодексининг 264-моддасига мувофиқ, МТБ доирасида товарларни сотиб олаётган солиқ тўловчиларга ноль даражали ҚҚС ставкаси қўлланилади. Божхона кодексининг 297-моддаси 12-бандига асосан, МТБ бўйича ишлар олиб бориш учун мўлжалланган товарлар божхона тўловларини тўлашдан озод қилинади.

Бошқарув қўмитаси. МТБни амалга ошириш жараёнида томонлар ўртасида ўзаро таъсирни таъминлаш мақсадида инвестор ва ваколатли давлат органи биргаликда ҳар бир томондан тенг вакиллар билан бошқарув қўмитаси ни тузади. Бошқарув қўмитаси: йиллик ишчи дастурлар ва бюджетларни тасдиқлайди, қарз маблағларини жалб қилиш шартларини тасдиқлайди, аудит ташкилотини тасдиқлайди, тендерларни ўтказишни ташкил этишда инвесторга ёрдам беради, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастурларини тасдиқлайди, ликвидация фонди ҳажмини

тасдиқлайди [1]. Бундай бошқарув тизими қарор қабул қилиш жараёнининг ошкорлигини ва иккала томон манфаатларининг мувозанатли ҳолда ҳимоя қилинишини таъминлайди

Қонуннинг 24-моддасида белгиланган стабиллик клаузаси инвесторлар учун солиқ ва ҳуқуқий барқарорликни таъминлайди. Битим шартлари у амал қиладиган бутун муддат мобайнида ўз кучини сақлаб туради. Агар қонунчилик билан инвесторнинг тижорат натижаларини ёмонлаштирувчи нормалар белгиланадиган бўлса, битимда қайд этилган шартлар амал қилади.

Хулоса: МТБ доирасида солиқ солиш умумий тизимдан тубдан фарқланади: фойда солиғи фойдага қолган маҳсулот қийматидан ҳисобланади, ҚҚС ноль ставка билан тортилади, божхона тўловларидан озод қилинади. Қонуннинг 24-моддасида белгиланган стабиллик клаузаси инвесторлар учун узоқ муддатли режалаштириш имконини беради. Малайзия (PETRONAS + PSC) ва Норвегия моделлари юқори давлат улуши (70-90%) ва барқарор солиқ тизими билан эталон ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида»ги Қонуни. 2001 йил 7 декабрь, ЎРҚ-312-II.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 2019 йил 30 декабрь, ЎРҚ-599-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси. 2016 йил 20 январь, ЎРҚ-400-сон.
4. Д.Джонстон. Налоговые системы и соглашения о разделе продукции. – М.: Олимп-Бизнес, 2000.
5. Johnston D. International Petroleum Fiscal Systems and Production Sharing Contracts. – Tulsa: PennWell Books, 2008. – 320 p.
6. Nellor D. Taxation of Mineral and Petroleum Resources. Tax Police: Handbook. – Washington: IMF, 1995.